



140704, *Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi 4-uy*
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г. *Иштихан ул. Иштиханская д. 4,*
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-1154

20 *18* у.г *«21» сент. 2018*

№ *2608-19*

Ishtixon sh.-г.Иштихан

Тумандаги “Шайхислом” МФЙ “Шайхислом”
қишлоғи худудидан давлат хусусий шерикчилик
асосида “Болалар боғчаси” қуриш учун Шарипов
Ғуломга ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида
ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнини ва Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 05.04.2018 йилдаги “Мақтабгача таълим тизимини янада
рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли
Қарорини ижросини таъминлаш мақсадида тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер
участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия
аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Ер
кодекси”ни 36- моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида
ўтказилган видеоселектор мажлиси баёни маълумот учун қабул қилинсин. туман ер
участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия
аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Шарипов Ғуломга “Шайхислом” МФЙ “Шайхислом” қишлоғи
худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобидаги 786-контур ер
майдонидан 100 (юз) ўринли давлат хусусий шерикчилик асосида “Болалар боғчаси”
қуриш учун 0.25 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Шарипов Ғуломга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган
тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик хулоса олиш, лойиҳа олди ва
лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рухсати
олингандан сўнг, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси
юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи
в.в.б(М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги
ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га “Болалар
боғчаси” бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини
назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га
ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари
У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов